# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 4 май, № 88 (9259) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши доирасида 3 май куни Самарқандда Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда ва бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарларини қабул қилди.**





Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда учрашув аввалида мамлакатимиз етакчисига банк Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилишини қўллаб-қувватлагани ва кўрсатган кўмаги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги кенг кўламли ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ҳамкорликни юксак даражага кўтаришга эришилгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Ўтган 30 йилда ОТБ Ўзбекистоннинг ҳақиқий стратегик шеригига айланди.

Лойиҳалар портфели қарийб 16 миллиард долларни ташкил этмоқда, амалиётлар ҳажми бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкорларидан бирига айланди.

Темир ва автомобиль йўллари, энергетика ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш, сув таъминоти ҳамда канализация тармоқларини янгилаш, қишлоқ хўжалиги ва хусусий секторни ривожлантириш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилди ва давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва банк раҳбари саммит доирасида имзоланган ОТБ билан шериклик бўйича 2030 йилга қадар бўлган даврга мўлжалланган янги дастурга киритилган умумий қиймати 12,5 миллиард долларлик лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Ипотека бозори, хусусий сектор, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, инклюзив таълим ва инсон капиталини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни илгари суриш, рақамли инновацияларни жорий этиш ва махсус иқтисодий зоналарда инфратузилмани модернизация қилиш каби соҳаларда ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди.

Марказий Осиё минтақасида йирик инфратузилмавий лойиҳаларни, шу жумладан, банкнинг маблағларни сафарбар этишдаги етакчилигини кучайтириш орқали илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти ОТБ раҳбарияти ва жамоасига Бошқарувчилар кенгаши йиғилиши муваффақиятли ва самарали ўтишини тилади.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 2030 йилгача мўлжалланган шериклик дастурини алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Ку Юн Чхоль бошчилигидаги делегация билан учрашувда Ўзбекистон — Жанубий Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Президентига Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мённинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Етакчиларнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Чуқур тарихий дўстлик ришталари, ўхшаш менталитет, анъаналар ва қадриятларга асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Жанубий Корея билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 12 фоиз ошди. Мамлакатимизда қарийб 1 мингта қўшма корхона фаолият юритмоқда, Корея инвестицияларининг умумий ҳажми 8 миллиард доллардан ошди. Ушбу мамлакат компаниялари учун махсус саноат зонасини ташкил этиш масалалари ишлаб чиқилмоқда.

Корея Эксимбанки ва унинг жамғармалари билан кўп йиллик самарали ҳамкорлик юқори баҳоланди. Улар иштирокидаги лойиҳаларнинг умумий портфели 2 миллиард доллардан ошди.

Кўп тармоқли клиника, кимё маркази ва фармацевтика парки қурилиши давом этмоқда. Бугун Тошкент — Хива йўналишида биринчи “Hyundai Rotem” поезди қатнай бошлади.

Ўзбекистон Президенти устувор йўналишларда янги инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш ва ҳудудлараро алмашинувларни жадаллаштириш муҳимлигини қайд этди. Давлат молиясини бошқариш тизимини рақамлаштиришда Корея томони кўмаклашишига умид билдирилди.

Жорий йил куз ойида Сеул шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган “Марказий Осиё — Корея” саммити ва бошқа олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Япония молия вазири Сацуки Катаяма бошчилигидаги делегация билан мулоқотда Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) бошқарувчиси Нобумицу Хаяси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) катта вице-президенти Масао Яҳара ҳам иштирок этди.

Суҳбат аввалида Сацуки Катаяма мамлакатимиз етакчисига Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг саломи ва самимий тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил декабрь ойида Японияга амалга оширган ташрифи икки томонлама муносабатларда янги даврни бошлаб бергани таъкидланди.

Мулоқот чоғида иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий суръатлари алоҳида қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз молия тизимини модернизация қилиш, хусусан, ғазначилик соҳасига сунъий интеллектни жорий этиш, рақамли молия трансформацияси ва ушбу йўналишда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича бир қатор истиқболли таклифларни илгари сурди.

Қайта тикланувчи энергия, тиббиёт, ахборот технологиялари, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

“ACWA Power” компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайян бошчилигидаги делегация билан учрашувда шериклик алоқаларини кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “яшил” энергетика соҳасининг асосий ҳамкори бўлган “ACWA Power” фаолиятини юқори баҳолади. Қайд этилганидек, ўтган йил декабрь ойида бошланган янги инвестиция ташаббуслари, жумладан, қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш лойиҳалари белгиланган режалар асосида изчил амалга оширилмоқда.

Мулоқот давомида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “Янги Тошкент” халқаро аэропорти қурилишини бошлаш, Фарғона шаҳрида кўп тармоқли тиббиёт муассасасини барпо этиш, IT-паркда замонавий маълумотлар марказини ишга тушириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида саудиялик инвесторлар Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва яратилган қулай инвестиция муҳити учун миннатдорлик билдириб, лойиҳаларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# БУЮК МУҲАДДИС БОБОМИЗ МЕРОСИ – БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши тадбирларида иштирок этиш учун 3 май куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.**

Эзгу қадриятларимизга мувофиқ, аввало, Имом Бухорий мажмуаси зиёрат қилинди. Буюк ҳадисшунос бобомиз мақбарасида Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Маълумки, ушбу қутлуғ қадамжо давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Имом Бухорийнинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан маънавий меросига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди. Бу йил Рамазон ҳайити арафасида мажмуа яна зиёратчилар учун эшикларини очиб, 60 мингдан ортиқ юртдошимиз ва хорижлик меҳмонлар ҳайит намозини ушбу қутлуғ қадамжода ўқидилар.

Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида Имом Бухорий мажмуаси илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш қувватига эга.

Маълумотларга кўра, қутлуғ қадамжо очилганидан сўнг бир ой ичида буюк муҳаддис бобомиз мақбарасини 1 миллиондан ортиқ юртдошимиз ва хорижий фуқаро зиёрат қилди.

Президентимиз мажмуага ташриф буюрувчиларга янада қулай шароитлар яратиш, ибодатларини адо этишлари, буюк муҳаддис бобомиз мероси билан яқиндан танишишлари учун барча имкониятларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, мажмуага автотранспортда келувчилар учун тўхташ жойларини кенгайтириш, зиёратчилар сайр қиладиган ҳудудларни янада обод қилиш, уларнинг дам олиши учун табиий ва қулай муҳит яратиш, бу борадаги ишларни доимий таҳлил қилиб бориш, ҳар олти ойда мажмуада зиёратчилар учун яратилган шароитларни ўрганиб, қўшимча чораларни белгилаб бориш муҳимлиги таъкидланди. Бутун юртимиздан имом-хатибларни мажмуага таклиф қилиб, малакасини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари зиёрат маданиятини юксалтириш, муқаддас қадамжолар ва мозорларни обод сақлаш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш, бундай масканларда келиб-кетувчилар учун муносиб шароит яратиш муҳим эканини, ўтганлар хотирасига ҳурмат руҳини кучайтириш ёш авлоднинг ўзлигини англаши ва маънавий тарбиясида муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 4 май куни Самарқандда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши очилиш маросимида нутқ сўзлайди.

Йиғилишнинг бош мавзуси — “Тараққиёт чорраҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари суриш”. Форум глобал ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш учун муҳим халқаро платформа бўлади.

Иштирокчилар асосий эътиборини “яшил” трансформация, энергетик ўтиш, рақамлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, саноатда етказиб бериш занжирларининг барқарорлиги ва бошқа масалаларга қаратадилар.

Саммитда банк билан ҳамкор мамлакатлар делегациялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва бошқа институтлар раҳбарлари ва ходимлари ҳамда хорижий ҳукуматларнинг 2 минг нафарга яқин вакиллари, етакчи компаниялар ва банклар, трансмиллий корпорациялар топ-менежерлари ҳамда нуфузли экспертлар иштирок этади.

Ўзбекистон 1995 йилдан буён Осиё тараққиёт банкининг аъзоси бўлиб, унинг энг йирик ҳамкорларидан бири ҳисобланади: лойиҳалар портфелининг умумий ҳажми қарийб 16 миллиард долларни ташкил этмоқда. Мамлакатимиз банкнинг йиллик йиғилишига иккинчи бор мезбонлик қилмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Акс садо

# ИККИ ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Хорижий экспертлар Тошкентдаги олий даражадаги Ўзбекистон — Чехия саммити якунлари ҳақида**

**Карлос Уриарте САНЧЕС,**
**Испаниядаги Умумевропа иттифоқи президенти, профессор:**

— Чехия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар изчил мустаҳкамланиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган пухта ўйланган ва изчил сиёсат туфайли мамлакат ташқи сиёсати очиқ, прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ҳолда тус олди. Бу Европа давлатлари, жумладан, Чехия билан ҳамкорликни фаоллаштиришга ва уни аниқ иқтисодий ҳамда инвестициявий лойиҳалар билан бойитишга имкон берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги ҳамкорлик нафақат мустаҳкам тарихий асосга, балки юқори даражадаги фаол сиёсий мулоқотга ҳам таянади. Мунтазам алоқалар ва ўзаро ташрифлар томонлар ўртасидаги ишонч юқори эканини ҳамда шерикликни ривожлантиришга интилишни кўрсатади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига

# ИСТИҚЛОЛ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

*Мустақиллик — халқимизнинг энг катта ютуғи ҳамда асрлар давомидаги орзу-умидлари, озод ва фаровон ҳаётга интилишларининг ифодаси. Бугун айнан шу буюк неъмат туфайли Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаб, жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллаб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.*

Миллий суверенитет ва давлат мустақиллиги ҳар қандай мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи асосларидан ҳисобланади. Зеро, мустақиллик давлатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ички ва ташқи сиёсатини эркин амалга ошириши учун мустаҳкам замин яратади. Суверенитет эса халқаро майдонда тенг ҳуқуқли субъект сифатида шаклланишига, унинг манфаатлари ва қадриятларини ҳимоялашга хизмат қилади. Айни шу омиллар жамиятнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий ўсиши, ижтимоий фаровонлиги ва маданий ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги кенг нишонланади. Бу бўйича Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

➡ 2

# КЕНГАШ ВАЗИРЛИККА СЎРОВ ЮБОРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

*Ҳар бир мамлакатнинг энергетик мустақиллиги иқтисодиётнинг барқарорлиги ҳамда аҳолининг фаровонлигини ошириб, инвестициявий жозибадорликни таъминлайди. Жамиятда ишбилармонлик муҳити жадал ривожланиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари қамрови кенгаяди.*

Маҳаллий Кенгашларда

Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоғи ҳамда аҳоли хонадонларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, энг илғор хорижий тажриба, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида электр энергетикаси тармоғида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизимда давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга йўл очиб, шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги “Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электр энергетикаси тизимига улаш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

➡ 2

Ўрганиш

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАСАЛА

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Эркин Гадоев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, саноат салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни ўрганди.*

Ишчи гуруҳ ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари, хусусан, тикувчилик саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрнини атрофлича ўрганди.

Жумладан, “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ ҳамда “Фазман” тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишилди. Ишлаб чиқариш жараёнлари, замонавий технологиялар ва инновацион ечимларни жорий этиш ҳолати, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар кўздан кечирилди.

Қайд этилганидек, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турли тайёр кийим-кечаклар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдан ташқари, экспорт ҳажмини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Энг муҳими, юзлаб иш ўринлари яратилган бўлиб, бу аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Учрашув чоғида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, халқаро стандартларга мувофиқликни таъминлаш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сенатор ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ҳамда иш ўринларини яратишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш юзасидан масъул ташкилотларга тегишли кўрсатмалар берди.

**«Халқ сўзи».**

# ИСТИҚЛОЛ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

1



Унда қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган аждодларимиз орзу-интилишларининг рўёби сифатида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган 35 йиллик тарихимизда мамлакатимиз улкан ютуқларни қўлга киритди. Бунинг асосий омили халқимизнинг ҳамжиҳат, якдил бўлиб олға интилаётгани, бунёдкорлик руҳи билан яшаётгани, десак, айни ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида “Янги Ўзбекистон” ғояси асосида бошланган улкан ислоҳотлар натижасида халқимиз ҳаёти тубдан ўзгаряпти. Юртимизда мисли кўрилмаган кўламли қурилишлар, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Инсон қадр-қиммати улуғланмоқда.

Бу жараёнлар иқтисодиётни модернизация қилиш, иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида кўзга яққол ташланади. Инвестиция муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишда муҳим омил бўлмоқда. Ижтимоий соҳада ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилаётир. Таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш эса замонавий мактаб ва олий ўқув юртларини барпо этиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

Халқаро майдондаги Ўзбекистоннинг очиқ ва дўстона сиёсати эса мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи янада ортишига замин яратмоқда.

Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида инсон манфаати ва унинг қадр-қиммати устувор ўрин эгаллайди. Бу эса фуқароларимизда шукроналик, юрт тақдирига дахлдорлик ва эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамламоқда. Қарорда белгиланган вазифаларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига йўналтирилганлиги билан аҳамиятли.

Мустақиллик туфайли эришилаётган муваффақиятларга жаҳонда олтин ишлаб чиқарувчи энг йирик компанияларидан бири бўлган Навоий кон-металлургия комбинати ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, “Мурунтов” конини ўзлаштириш V навбати 2-босқичи” ва “Нуқракон” ва “Космоначи” конларидан кумуш маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш”, “Қоқпатас” ва “Довғизтов” олтин конларида маъдан қазиб олиш. III навбати” каби инвестициявий лойиҳалар амалга ошириляпти.

Тўйга тўёна билан деганларидек, Мустақиллик байрами арафасида 2-гидрометаллургия заводида маъданни қайта ишлаш қувватини йилига 55 млн. тоннага етказиш имконини берувчи янги блоклар ишга туширилади, 3-гидрометаллургия заводида замонавий градирния биноси фойдаланишга топширилади, 7-гидрометаллургия заводи қайта ишлаш қувватини 10 млн. тоннага ошириш лойиҳаси рўёбга чиқарилади. Шунингдек, Жанубий кон бошқармасида 400 ўринли маиший бино, “Довғизтов” кони ишчи-ходимлари учун 250 ўринли ошхона қурилиб ишга туширилади ва Зарафшон шаҳридаги “Олтин водий” маданият саройи капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилади.

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мустақиллигимизнинг 35 йиллик тантаналарига яқинлаштирмоқда. Бу эса қалбимизда чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Шу билан бирга, юрагимизда яна бир муқаддас ҳис — мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш ва юрт равнақи учун ўз ҳиссамизни қўшишдек юксак масъулиятни ҳам оширади.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги — бу фақат байрамона шодиёна эмас, балки ўтган йўлимизни чуқур англаш, эришилган ютуқларимизни муносиб баҳолаш ва келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратиш имконияти. Бу сана ҳар биримиздан юртимиз тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада оширишни, бирдамлик ва фидойилик билан янги марралар сари интилишни талаб этади. Шу йўл билангина биз мустақиллигимизнинг қадрини янада юксалтириб, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўша оламиз.

**Қувондиқ САНАҚУЛОВ,**
**«НКМК» АЖ Бошқарув раиси — Бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# КЕНГАШ ВАЗИРЛИККА СЎРОВ ЮБОРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

1

Ушбу ҳужжат тармоққа уланиш учун рухсатнома олиш, техник шартларни белгилаш ва шартнома тузиш жараёнларини соддалаштириб, тадбиркорлик субъектларини ягона тизимга улашни шаффоф ва самарали тартибга солиши билан бирга, энергия хавфсизлигини таъминлаб, қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасига инвестиция киритилишини рағбатлантирмоқда. Бугунги кунда уларга, хусусан, қуёш панелларидан фойдаланишга қизиқиш аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида сезиларли даражада ортиб бормоқда. Масалан, Қизилтепа туманидаги Ғойибон маҳалласида мавжуд 1088 хонадоннинг 170 таси қуёш панелларига эга.

— Аввалига анча қийин кечди, — дейди маҳалла раиси Машҳура Каримова. — Маҳалламизнинг бош кўчасини намунали кўчага айлантириб, дастлаб йигирмата хонадонга ўрнатдик. Олти ой ўтмай тарғибот ҳам шарт бўлмай қолди. Даромад келтиришини билиб, киракашлик қилиб юрганлар ҳам машинасини сотиб, қуёш панеллари ўрната бошлади. Банкдан кредит олишга ариза ёғилиб кетди.

Ғойибонда кам таъминланган тўққиз хонадонга маҳалла кўмаги билан ҳомийлар жалб этилиб, қуёш панеллари ўрнатилган. Улар қуёшли кунларда ойига ўртача 700 мингдан 1 млн. сўмгача даромад қилишса, юқори қувватли панелларга эга хонадонларга бу беминнат дастёр 9-10 млн. сўмгача даромад олиб кирмоқда.

Қуёш панелларига аҳолининг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам ихлоси кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ бу соҳада қатор муаммолар ҳам юзага келиб, аҳолига ташвиш туғдирмоқда. Бу муаммолар халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилди.

— Аҳоли томонидан, асосан, тижорат банклари орқали ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган қуёш панеллари учун тўловлар ҳар ойлик тартибда қайтарилишини талаб этади, — дейди Кенгашнинг маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотлар бўйича доимий комиссияси раиси Нормурод Исоқов. — Ўз вақтида тўланмаган ҳолатларда жарима санкциялари қўлланилиши, икки ой давомида тўлов амалга оширилмаган тақдирда, қарздор шахснинг “қора рўйхат”га киритилиши ҳамда суд тартибида ундириш чоралари кўрилиши белгиланган.

Айни пайтда электр тармоқлари корхоналари томонидан қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар аҳолига ҳар икки-уч ойда амалга оширилиши натижасида тижорат банклари ва қарздор фуқаролар ўртасида молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажариш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда. Жойларда электр таъминоти инфратузилмасининг, хусусан, трансформатор қувватининг етарли эмаслиги сабабли кўплаб фуқаролар томонидан қуёш панелларини ўрнатиш имконияти чекланмоқда. Амалдаги тартибларга мувофиқ, трансформатор қувватини ошириш зарурати юзага келганда, ушбу харажатларни фуқаронинг ўзи қоплаши талаб қилинмоқда. Бу эса аҳоли учун қўшимча молиявий юкни келтириб чиқариб, қуёш панелларини кенг жорий этишга тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу муаммо биргина ҳудудга тегишли эмас. Шу боис ҳам масала сессияда атрофлича муҳокама этилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан қайта тикланадиган манбалардан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар томонидан билдирилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан, Энергетика вазирлигига Кенгаш сўрови юборишга қарор қилинди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИККИ ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

1



Олий даражадаги музокаралар ва қўшма бизнес-форум ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратди. Қарийб еттита икки томонлама ҳужжат имзолангани эса томонлар қўшма лойиҳаларни амалий босқичга ўтказишга тайёр эканини тасдиқлайди.

Чехия бизнес доираларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ.

Гуманитар ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора ривожланмоқда. Чехияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сонининг ортиши, илмий-маданий алоқаларнинг кенгайиши икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг узоқ муддатли асосини мустаҳкамлайди.

Андрей Бабишнинг ташрифи стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва икки мамлакат манфаатлари йўлида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун янги истиқболларни очди.

**Юнус Эмре КАНАТ,**
**Стратегик тадқиқотлар ва тараққиёт маркази бошқаруви раиси (Туркия):**



— Бош вазир Андрей Бабишнинг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи оддий протокол тадбири эмас, балки анча кенг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга воқеадир. Бу Европанинг Марказий Осиёга қизиқиши нафақат сақланиб қолаётгани, балки тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Институционал жиҳат алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистоннинг Чехиядаги элчихонаси ҳали расман очилмаган бўлса-да, тайёргарлик жараёнида ҳам самарали иш механизмларини йўлга қўйишга ва юқори даражадаги алоқаларни ташкил этишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Бундай жадал натижалар, кўп жиҳатдан, икки давлат ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва конструктив, дўстона муносабатлар туфайли юзага келди. Бу эса қулай сиёсий муҳит ва ўзаро манфаатдорлик янги дипломатик миссиялар ҳатто қисқа муддатда ҳам амалий натижалар бериши ва ҳамкорликни кенгайтиришга мустаҳкам пойдевор яратишини кўрсатади.

Тошкентда Ўзбекистон — Чехия бизнес форуми бўлиб ўтди. Бундай платформалар бугунги кунда сиёсий келишувларни тезкор равишда амалий бизнес шартномаларига айлантирадиган ҳамкорлик муҳитини шакллантирмоқда. Бу эса саноатдан инновацияларгача бўлган аниқ соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорликдир.

Учрашувларда қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзолангани эътиборга молик. Муҳими, бу ерда гап умумий ёки декларатив сиёсий келишувлар ҳақида эмас, балки амалий ва прагматик ёндашув ҳақида кетмоқда. Томонлар аниқ баёнотлардан кўра, яқин келажакда сезиларли натижа бериши мумкин бўлган ҳамкорлик механизмларига таянаётгани билан ажралиб турибди.

Туркия нуқтаи назаридан, Ўзбекистон — Чехия ҳамкорлигининг фаоллашуви кенгроқ минтақавий тенденциянинг мантиқий давоми сифатида кўринади. Ўзбекистон ҳамкорлар доирасини изчил кенгайтириб, минтақа бўйича асосий инвестиция ва ҳамкорлик марказларидан бирига айланмоқда. Бу эса нафақат икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлайди, балки кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик учун ҳам қўшимча имкониятлар яратади.

**Александр ВОРОБЬЁВ,**
**Россия жамоатчилик дипломатияси ва жаҳон сиёсати таҳлили маркази директори, Халқаро ишлар бўйича кенгаш эксперти:**



— Чехия Бош вазири Андрей Бабишнинг ушбу ташрифи Тошкентнинг кўп векторли ташқи сиёсат стратегиясида муҳим ўрин тутади. Чунки Ўзбекистон учун нафақат Европа Иттифоқи, балки алоҳида Европа давлатлари билан ҳам икки томонлама алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Чехия Шарқий Европадаги саноат ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бири бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик янги иқтисодий имкониятлар эшигини очиши мумкин. Айниқса, инвестициялар, саноат кооперацияси ва технологиялар алмашинуви йўналишлари устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва Чехия ўртасида иқтисодиёт, саноат, илмий-технологик ҳамкорлик, дипломатик кадрларни тайёрлаш, шунингдек, метрология лабораториясини биргаликда лойиҳалаштириш ва ташкил этиш, метрология соҳасидаги илмий-инновацион ҳамкорликни кенгайтириш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги алоқалар фақат савдо билан чекланиб қолмасдан, инновация ва технологик ҳамкорлик йўналишларида ҳам изчил кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Фикримча, Чехия Бош вазирининг ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, янги инвесторларни жалб қилиш ва Европа бозори билан интеграцияни кучайтиришга хизмат қилади.

**Илгар ВЕЛИЗАДЕ,**
**озарбайжонлик сиёсатшунос ва таҳлилчи:**



— Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини фаол равишда кенгайтирмоқда. Мамлакат иқтисодиётида либераллашув ва инвестицияларни жалб қилиш сиёсати изчил давом этмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон фақат бозор ёки хомашё манбаи эмас, балки саноат, энергетика, инфратузилма ва логистика соҳаларида аниқ лойиҳалар таклиф қила оладиган ишончли ҳамкор сифатида шаклланмоқда. Қолаверса, унинг географик жойлашуви Европа ва Осиё ўртасидаги транспорт йўлакларида муҳим ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан, Чехия Бош вазирининг ташрифи нафақат икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни, балки Европа давлатларининг Марказий Осиёдаги иштироки кенгайиб бораётганини ҳам кўрсатади. Чехия учун Ўзбекистон машинасозлик, энергетика ва транспорт инфратузилмаси соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бу эса расмий Прагага ташқи иқтисодий алоқаларини диверсификациялаш ва айрим анъанавий бозорларга боғлиқликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон томони эса Чехия ва Европа давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Бу иқтисодиётни модернизация қилиш, янги инвестициялар жалб этиш ва Европа бозорларига чиқиш имкониятларини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон кўп векторли ташқи сиёсат юритиб, бир давлатга ортиқча қарам бўлиб қолмасликка интилади. Бу унинг ташқи иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Бўлиб ўтган музокаралар расмий Тошкент ва Прага ҳамда Ўзбекистон ва Марказий Европа давлатлари ўртасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

# Амир Темур ва замонавий давлат сиёсати

*Бугунги глобал ўзгаришлар даврида давлатларнинг ҳақиқий қудрати инсон капитали, таълим сифати ҳамда бошқарув маданияти билан ўлчанмоқда. Рақобат кескинлашган сари бир ҳақиқат янада ойдинлашмоқда, яъни билимга таянмаган давлат барқарор тараққиётга эришолмайди. Бу қонуният тарих синовидан ўтган. Шу нуқтаи назардан, Амир Темур меросига мурожаат қилиш замонавий давлатчилик учун муҳим мезонларни англаш дегани.*

Мулоҳаза

Темурийлар даврининг энг муҳим сабоғи шундаки, Амир Темур давлатни қатъий тартиб ва қоидалар, адолат тамойилларига бўйсунувчи тизим сифатида шакллантирди. Унинг бошқарув фалсафасида давлат — куч эмас, тизим, жамият — омма эмас, тафаккур, тараққиёт эса тасодиф эмас, қонуният сифатида талқин этилди. Бу ёндашув унинг сиёсатини оддий фатҳчиликдан мутлақо бошқа томонга ўзгартирди.

Шу маънода, “Темур тузуклари” давлатни қуриш ва бошқаришга оид мукаммал концепция сифатида намоён бўлади. Унда давлат, жамият, илм ҳамда адолат ягона тизим тарзида қаралади.

Амир Темур сиёсатининг энг теран ва стратегик жиҳатларидан бири — унинг илмга ёндашуви. У илмни давлат бошқарувининг ҳал этувчи амалий ресурси сифатида англаган. Олимлар, мутафаккирлар ва мутахассислар давлат ҳаётида қарор чиқариш жараёнининг тўлақонли иштирокчилари бўлган.

Амир Темурнинг “Ишнинг тўққиз қисми кенгаш, бир қисми қилич” деган тамойили унинг бошқарув



фалсафасини ихчам ва аниқ ифода этади. Бу ибора ортида чуқур институционал мантиқ ётади. Яъни ҳар қандай қарор, аввало, таҳлил, мулоҳаза ва маслаҳатдан ўтиши керак. Куч эса инкор этилмайди, лекин у биринчи восита эмас, охирги чора сифатида қаралади. Бундай ёндашув қарорларни тасодифийликдан, ҳиссиётдан ва субъективликдан ҳимоялаб, давлат бошқарувини барқарор ҳамда прогноз қилинадиган тизимга айлантирган.

Самарқанднинг темурийлар даврида йирик интеллектуал марказга айланиши ҳам айнан шу стратегик сиёсатнинг натижаси эди. Турли ҳудудлардан олимлар жалб этилди, илмий муҳит яратилди, билим алмашинуви учун қулай шароитлар шакллантирилди.

Бу ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати унинг институционал характерида намоён бўлади. Яъни илм алоҳида шахслар фаолияти билан чекланиб қолмаган, аксинча, давлат тизимининг ажралмас қисмига айланган. Бу илмий муҳитнинг узлуксизлигини, билимлар меросининг сақланишини ва янги авлодлар томонидан давом эттирилишини таъминлаган.

Темурийлар даврида таълим ҳам айнан шу мантиқнинг давоми сифатида шаклланган. Таълим давлат сиёсатининг марказий элементига айлантирилиб, мадрасаларни ривожлантириш орқали давлат ўзининг интеллектуал пойдеворини мустаҳкамлашга интилади.

Кадрлар сиёсатида меритократик, яъни юқори лавозимларга ижтимоий келиб чиқиши ёки бойлигидан қатъи назар, фақат қобилиятли, иқтидорли ҳамда меҳнаткаш одамларни танлаб олиш тамойилларининг устуворлиги Соҳибқирон бошқарувининг энг илғор жиҳатларидан бири ҳисобланади. У лавозимга тайинлашда насаб ёки ижтимоий келиб чиқишни эмас, балки билим, қобилият ва шахсий фазилатларни устувор деб билган. Бу эса бошқарув тизимига рақобат, адолат ва самарадорлик руҳини олиб кирган.

Бундай ёндашув замонавий давлат бошқаруви назариясида ҳам энг самарали моделлардан бири сифатида баҳоланади. Чунки инсон капитали сифатли бўлмаган жойда ҳеч қандай ислоҳот барқарор натижа бермайди.

Шу маънода, темурийлар даври тажрибаси Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан бевосита уйғунлик касб этади. Бугун мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш ва инсон капиталини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгилангани бежиз эмас. Чунки тарих бир ҳақиқатни қайта-қайта тасдиқлайди: билимга таянган жамият — барқарор, билимни қадрлаган давлат эса қудратли бўлади.

Темурийлар даврида иқтисодий ўсиш пухта ўйланган ва изчил амалга оширилган давлат сиёсатининг амалий натижаси бўлган. Амир Темур иқтисодиётни давлат барқарорлиги ва қудратининг ажралмас қисми сифатида кўрган. Шу боис савдо йўлларини тиклаш, хавфсизликни таъминлаш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш каби йўналишлар бир-биридан узилган ҳолда эмас, аксинча, ягона стратегик тизим доирасида амалга оширилган. Бу сиёсатнинг ички мантиғини содда, аммо ниҳоятда самарали формула орқали ифодалаш мумкин: хавфсизлик + адолат + самарали бошқарув = иқтисодий фаоллик. Ушбу уч омил ўзаро уйғун ҳолда таъминланган шароитдагина иқтисодий ўсиш барқарор ва узлуксиз тус олади.

Дарвоқе, бу ерда муҳим жиҳат — иқтисодий сиёсатнинг институционал асосга қурилгани. Агар йўллар хавфсиз бўлмаса, савдо ривожланмайди. Ҳуқуқий ҳимоя етарли бўлмаса, мулкчилик институти заифлашади. Бошқарув самарасиз бўлса, ресурслар нотўғри тақсимланади. Темурийлар давлати айнан шу уч омилни мувозанатли ва тизимли тарзда таъминлай олгани билан ажралиб туради. Бу эса иқтисодий фаоллик учун ишончли ва барқарор муҳит яратган.

Айтиш жоизки, ушбу даврда иқтисодиёт, илм ва маданият ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланган. Айнан шу уйғунлик темурийлар даврини тарихда “Иккинчи Ренессанс” сифатида баҳолашга асос беради. Бу юксалиш тизимли сиёсат ва институционал мувозанат самараси, албатта.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар айнан шу тамойиллар билан чуқур уйғунлик касб этаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Илм-фанни ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатли жамият барпо қилишга қаратилган сиёсат шунчаки ислоҳотлар эмас, балки барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратишга қаратилган стратегик йўлдир.

Амир Темур даври бизга бир оддий, аммо ўта муҳим ҳақиқатни ўргатади. Яъни давлатни куч билан эмас, ақл-идрок ила бошқариш, жамиятни буйруқ билан эмас, таълим орқали ривожлантириш, барқарорликни қўрқув билан эмас, адолат нури-ла таъминлаш лозим. Ана шу тамойиллар устувор бўлган жамиятдагина тараққиёт тасодиф эмас, балки қонуниятга айланади.

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси.**

**Мамлакатимизда 2030 йилгача ахборот технологиялари соҳасида 300 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.**




# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ИШОНЧЛИ ПОЙДЕВОРИ

*Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи бошқарув қарорларини аниқ ҳисоб-китоб, пухта таҳлил ва ишончли маълумотлар асосида қабул қилишни талаб этмоқда. Аҳолининг сони ва таркиби, бандлик ҳамда турмуш шароитлари, миграция жараёнлари, уй-жой фонди, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига эҳтиёжлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, экинлар таркиби ва чорвачилик салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар давлат сиёсати учун таянч манба ҳисобланади.*

*Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш айнан шундай манбани яратадиган, мамлакат тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга энг йирик статистик тадбирлардан биридир. Унинг натижалари ҳудудий ривожланиш дастурларини манзилли режалаштириш, инфратузилма ва ижтимоий имкониятларни тўғри йўналтириш, ресурсларни адолатли тақсимлаш, аграр сиёсатда эса озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ер-сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.*

*Шу маънода, рўйхатга олиш — барқарор ривожланишнинг амалий пойдевори, давлат бошқарувида шаффофлик ва самарадорликни таъминлайдиган энг муҳим жараён.*

**Нуқтаи назар**

### Ҳуқуқий асос ва босқичма-босқич тайёргарлик

Рўйхатга олишни ўтказиш пухта ҳуқуқий пойдеворга эга. Хусусан, 2020 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун рўйхатга олишнинг мақсади, асосий принциплари, маълумотлар махфийлиги, респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини белгилаб берди.

2020 — 2023 йилларда рўйхатга олиш бўйича синов ишлари ўтказилди. Синовлар бир нечта мақсадга хизмат қилди — саволномаларни такомиллаштириш, рақамли платформаларни синаш, кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида техник хатарларни аниқлаш. Технологик ечимлар ва ташкилий механизмлар мукаммал бўлиши зарурлиги сабаб рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш муддати кўчирилди.

Ниҳоят, 2025 йил 19 сентябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда вазифалар, муддатлар, масъуллар, ҳамкорлик йўналишлари ва умумий концепция белгилаб берилди.

### Аҳоли ва қишлоқ хўжалиги рўйхатга олинди

Мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири 2026 йил 15 январдан 28 февралгача ўтказилди. Жараён икки босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда (15 — 31 январь) онлайн рўйхатдан ўтилди. 17 кун давомида фуқаролар "census.stat.uz" сайти орқали Рақамли ҳукумат фойдаланувчиларининг ягона идентификация тизими — "OneID" ёрдамида масофадан туриб рўйхатдан ўтди. Бу қулай, тез ва замонавий усул бўлиб, фуқарога уйидан чиқмасдан иштирок этиш имконини берди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу босқичда мамлакатимиздаги жами хонадонларнинг 82,3 фоизида истиқомат қилувчи 30 миллиондан ортиқ аҳоли саволномани онлайн тўлдириб, рўйхатдан ўтди. Бу натижа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида ўзига хос рекорд сифатида қайд этилди. Таққослаш учун, Қозоғистонда 60 кунда аҳолининг 40 фоизи, Беларусь Республикасида 25 кунда 22 фоизи, Россияда эса 31 кунда 16 фоизи онлайн рўйхатдан ўтган.



Қисқа муддатда онлайн рўйхатдан ўтишда юқори қамровга эришилгани юртдошларимизда рақамли саводхонлик ва рақамли хизматлардан фойдаланиш маданияти тобора ортиб бораётганини ҳамда тизимга нисбатан ишонч ва амалий кўникмалар шаклланганини яққол кўрсатди.

Иккинчи босқичда (4 — 28 февраль) уйма-уй рўйхатга олиш тадбирлари бажарилди. Онлайн босқичда қатнашмаган ёки маълумотларни хатолик билан киритган фуқаролар мазкур босқичда қамраб олинди. "Маҳалла еттилиги" вакиллари уйма-уй юриб планшетлар орқали маълумотларни тўғридан-тўғри электрон платформага киритиб борди.

Рўйхатга олиш якунларининг дастлабки маълумотларига кўра, республика бўйича жами 8,3 миллионта хонадонда яшовчи аҳоли тўлиқ қамраб олинди. Бу жараёнда қўшимча тураржой объектлари, жумладан, янги қурилган уй-жойлар аниқланди.

Саволнома умумий 71 саволдан иборат бўлиб, 54 таси аҳоли, 17 таси қишлоқ хўжалигига тегишли. Мазкур структура замонавий рўйхатга олиш амалиётида энг мақбул ва халқаро стандартларга мос ёндашув ҳисобланади.

### Инновацион ёндашувлар

Рўйхатга олишда асосий мақсад халқаро стандартлардан четга чиқмаган ҳолда, жараённи фуқаролар учун қулай, давлат учун тежамкор, маълумот сифати бўйича эса юқори даражали ташкил этиш эди. Шу нуқтаи назардан, жараёнда қатор туб инновациялар жорий қилинди.

Биринчидан, рўйхатга олувчилар сони анъанавий моделга нисбатан оптималлаштирилди ва 47 минг нафаргача қисқартирилди. Бу, аввало, маҳаллаларда фаолият юритаётган, ҳудуддаги аҳоли билан бевосита ишлайдиган "маҳалла еттилиги" аъзоларини жараёнга жалб қилиш орқали амалга оширилди. Мазкур ёндашув рўйхатга олишда ишонч омилини кучайтирди: фуқаролар ўз маҳалласида таниш тизим вакиллари билан мулоқотга киришди.

Иккинчидан, саволнома кескин соддалаштирилди: саволлар сони 328 тадан 71 тага туширилди, яъни қарийб 5 баробар қисқарди. Бу ўзгаришнинг моҳияти шундаки, рўйхатга олишнинг мақсади "ҳар қандай маълумотни йиғиш" эмас, балки давлат сиёсати учун энг зарур, таққосланадиган ва таҳлил қилинадиган индикаторларни олишдир. Саволнома оптималлаштирилиши жавобларнинг аниқлигини оширди, фуқаролар вақтини тежади ва маълумотларни қайта ишлаш жараёнини тезлаштирди.

Учинчидан, фуқаролар учун гибрид — онлайн ва уйма-уй иштирок модели яратилди. Бу ёндашув, бир томондан, замонавий рақамли хизматларни кенгайтирса, иккинчи томондан, интернетдан фойдаланишни хоҳламайдиган қатламлар учун ҳам тўлиқ қамровни таъминлади.

### Халқаро тажриба ва эътироф

Рўйхатга олишни ташкил этишда халқаро тажрибани ўрганиш ва тавсияларни инобатга олиш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Жумладан, Беларусь, Канада, Грузия каби мамлакатларнинг рўйхатга олиш тажрибаси таҳлил қилинди. Рақамли платформалар, логистика, респондентлар билан мулоқот, маълумотларни қайта ишлаш ва назорат механизмларининг самарали жиҳатлари ўрганилди.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ҳамда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан рўйхатга олиш тадбири юзасидан ижобий хулосалар ва тавсиялар олинди.

Жаҳон банки гуруҳининг Вашингтон шаҳридаги штаб-квартирасида бўлиб ўтган халқаро семинарда Мексика Статистика ва география миллий институти (INEGI) вакили Маурисио Родригез Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёни муваффақиятли якунланганини эътироф этди.

— Мен Ўзбекистондаги рўйхатга олиш жараёнларини интернет орқали мунтазам кузатиб бордим. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мамлакат шароитига мослаштирилган ҳамда халқаро методологиянинг ўзига хос уйғунлигига асосланган ушбу улкан жараён юқори қизиқиш, пухта ташкилотчилик ва уюшқоқлик билан ўтди. Айтишим керак, Ўзбекистон бу борада жуда катта натижани қайд этди. Энг муҳими, юртдошларингиз маълумотларни ишонч билан тақдим қилди. Жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумот бериб борилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ҳукуматга, давлат ташкилотларига ва юрт келажагига ишончи юқори эканидан далолат беради, — деди у.

> *2025 йил 19 сентябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда вазифалар, муддатлар, масъуллар, ҳамкорлик йўналишлари ва умумий концепция белгилаб берилди.*

### Бу солиққа тортиш эмас

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёни айрим фуқаролар томонидан нотўғри талқин қилинмаслиги лозим. Ушбу тадбирнинг асосий ва ягона мақсади — статистик маълумотларни шакллантириш, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштирилган ҳолда давлат режалаштиришида фойдаланишдан иборат. Рўйхатга олиш солиқ солиш, жарима қўллаш ёки назорат чораларини кучайтиришга қаратилган тадбир эмас.

Рўйхатга олиш давомида тўпланган барча маълумотлар фақат статистик мақсадларда қайта ишланади ва умумлаштирилган кўринишда эълон қилинади. Натижалар энг камида маҳаллалар кесимида тақдим этилади ва алоҳида шахсни аниқлаш имконини бермайди. Сўровномаларда берилган жавоблар шахсни бевосита аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатда сақланади, қайта ишланади ва таҳлил қилинади.

Муҳими шундаки, рўйхатга олиш жараёнида йиғилган шахсий маълумотлар солиқ органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ёки бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларига узатилмайди. Бу талаблар Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги ҳамда "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонунлар билан қатъий мустаҳкамланган. Мазкур қонунларга мувофиқ, рўйхатга олишда иштирок этувчи барча мутахассислар маълумотлар махфийлигини сақлаш бўйича шахсий жавобгарликка эга.

### Бугунги тараққиёт ва ёрқин келажак учун

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга, бутун жамият манфаатига хизмат қиладиган умумдавлат тадбиридир. У демографик ва иқтисодий манзарани аниқ кўрсатади, ресурсларни адолатли тақсимлашга, ижтимоий хизматларни манзилли режалаштиришга, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтиришга, инвестиция ва инфратузилма борасида қабул қилинадиган қарорларни далиллар билан асослашга имкон беради.

Рўйхатга олиш Янги Ўзбекистоннинг келажагини аниқ далиллар асосида барпо этиш йўлидаги умумий масъулиятдир. Шу боис жараён якунлангани билан якуний рақамлар дарҳол эълон қилинмайди. Айрим давлатлар тажрибасида натижалар 2-3 йил давомида қайта ишланиб, босқичма-босқич эълон қилинган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бизда эса маълумот киритиш жараёнининг ўзидаёқ реал вақт режимида мантиқий назорат механизмлари жорий этилгани сабабли қайта ишлаш жараёни нисбатан тезлашади.

Шу асосда дастлабки натижалар 2026 йил 1 июлига қадар, якуний ва тўлиқ таҳлил этилган маълумотлар эса 2027 йил 1 июлига қадар эълон қилиниши режалаштирилган. Эълон қилинадиган рақамлар — шунчаки йиғилган маълумот эмас, балки бир неча босқичли текширувдан ўтган, аниқлаштирилган ва расмий тасдиқланган ишончли натижалар бўлади.

Рўйхатга олиш натижасида мамлакатнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама акс эттирувчи ишончли маълумотлар базаси шаклланади. Жумладан, демографик кўрсаткичлар, аҳолининг ижтимоий ҳолати, уй-жой шароитлари, қишлоқ хўжалиги фаолияти, ҳудудий ривожланиш даражаси бўйича маълумотлар тўпланади. Мазкур маълумотлар умумлаштирилган статистик кўринишда таҳлил этилади ҳамда мактаб, боғча, шифохона, йўл каби ижтимоий объектларни қаерда ва қандай қувватларда қуриш зарурлигини белгилаш, шунингдек, келгуси тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан, мазкур тадбир мамлакатнинг бугунги ҳолати ва келгуси ривожи учун муҳим стратегик ахборотни шакллантиришда тарихий воқелик ҳисобланади.

**Беҳзод ҲАМРОЕВ,**
**Миллий статистика қўмитаси раиси.**

**9 май — Хотира ва Қадрлаш куни**

# «ТАҚДИР БИЗНИ ЭРТА УЛҒАЙТИРДИ»

*Уруш бошланганида Абдураҳмон эндигина 10 ёшга кирган, тенгдошлари билан кўча чангитиб юрган бўз бола эди. Катталар юрт ҳимояси учун урушга кетгач, барча қийинчилик аёллар, болалар ва кексалар зиммасига тушди. Болалар катталардек меҳнат қилишга мажбур эди.*

— Бизнинг болалигимиз фронт орти азоб-уқубатларига ғарқ бўлиб кетган, — дейди Фарғона туманидаги Тошкўприк маҳалласида яшовчи 95 ёшли Абдураҳмон ота Абдуҳакимов. — Кутилмаган синовлар, аччиқ тақдир бизни эрта улғайтирди. Қўлимизга ўйинчоқ эмас, меҳнат қуроллари берилди. Уруш йилларида фронт ортидаги оғир меҳнат мурғак қалблар учун ҳаёт-мамот масаласига айланди.

Оилалар бор-будини фронтга жўнатар, қўл учида зўрға кун кўришга мажбур эди. Бир коса атала, яримта зоғора нон учун кун бўйи оғир меҳнат қилишга тўғри келган. Бир-икки кун ишга чиқмасангиз, оч қолиш ҳамда касалликдан вафот этиш ҳеч гап эмасди.

Отахон Водил қишлоғидаги мактабда 8-синфгача таълим олган, холос. Кейин ёш йигитни ҳаётнинг ўзи катта мактабида тарбиялади. У 45 йил давомида жамоа хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлади. Фарғона шаҳридан Фарғона тумани маркази — Водилга дастлаб оддий араваларда, кейин транспортда ёнилғи ташиган.

— Шароит тақозосига кўра, биз фойдаланадиган идишлар эски ва ёриқ бўларди, — дея хотирлайди қаҳрамонимиз. — Шу боис кўпинча идишлар йўлда тешилиб, ёнилғи ерга оқиб кетарди. Шунинг учун белимизга доим совун боғлаб юрардик. Бу йўлда идиш қаеридан ёрилса, ўша жойини совун билан ямаб, яна йўлда давом этиш имконини берарди.

Ўша йиллари қишлоқ хўжалиги юмушлари ниҳоятда машаққатли бўлиб, техника етишмаслиги сабабли ерлар, асосан, ҳўкиз билан ҳайдалган. Абдураҳмон ота ҳам гектарлаб ерларни омоч қўшилган ҳўкиз билан ҳайдаб, қора терга ботган. У доим қўллари пуфак-пуфак бўлиб шишиб, оғриқ берганини, елкалари худди ботмон тошдек оғир юрганини яхши эслайди.

— Баъзан жамоа хўжалигидан икки кило ун олиш учун ҳам бир нечта ҳужжат тайёрлаб, узоқ навбат кутишга тўғри келарди, — дея хотирлайди отахон оғир хўрсиниб. — Шунинг учун ноннинг бир ушоғи ҳам кўзга суртиладиган даражада табаррук эди. Бугунги тўкинчилик, мўлкўлчиликни кўриб, кўзимга ёш келади. Шу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, деб ўзимга таскин бераман.

Долғали замонлар синовидан омон чиққан Абдураҳмон ота 6 нафар фарзандни элу юртга қўшди. Бугунги кунда 22 нафар набира, 55 нафар чевара ва 2 нафар эварасига бош бўлиб, бахтли кексалик гаштини сурмоқда. Фронт ортидаги фидокорона меҳнати эътиборга олиниб, 2025 йили "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланди.

Айни кунларда мазкур хонадондан ёш авлоднинг қадами узилмайди. Маҳалла фахри бўлган нуроний ҳамюртимиз барчага насиҳат қилади, бугунги тинч-фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БУЛОҚБОШИЛИК ТАДБИРКОР

*Булоқбошилик изланувчан фермерлардан бири Муҳаммадали Бўронов узумчиликка ихтисослаштирилган маҳаллада туғилиб ўсган. Болалиги узумзорлар орасида кечгани боис соҳанинг миридан-сиригача билади. Узумчилик билан шуғуллана бошлаганига ҳам ўн олти йил бўлди. У пахтани плёнка остида парваришлаган фермерларни кўрган, аммо ўзи ҳам кун келиб токни плёнка остида етиштиришни хаёлига келтирмаган эди.*

**Янгилик**

— Ўтган йили 15 сотих иссиқхона шароитида тажриба сифатида узум етиштириб кўрдик, — дейди М. Бўронов. — Натижа кутилгандан яхши бўлди. Анъанавий усулда парваришланган узумларга нисбатан ҳосил 1,5 ой олдин етилди. Бу эса бозорда нарх юқори бўлган даврга тўғри келади. Шу кичик майдондан 300 килограмм ҳосил олиб, ҳар бир килосини камида 80 минг сўмдан сотдик. Жорий йилда эса ярим тонна ҳосил олишни кўзлаб турибмиз.

Эътиборлиси, бу тажриба фақат узум ҳосили билан чекланиб қолмади. Фермер ток баргидан ҳам даромад олди, яъни ички бозорга кавартак учун барг чиқариб қўшимча даромад манбаини яратди. Ҳозирги кунда Муҳаммадали Бўронов хўжалигида жами 12,8 гектар майдонда ток парваришланмоқда. Ўтган йили 180 тонна ҳосил олинди. Кўчатлар ҳали новдалигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткичнинг янада ўсиши табиий. Хўжаликда 12 нафар доимий ишчи меҳнат қилаётган бўлса, мавсум пайтида уларнинг сони 30 нафардан ортади. Демак, бу фаолият нафақат даромад манбаи, балки аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда маҳсулот, асосан, ички бозорда сотиляпти. Бироқ фермер жорий йилдан бошлаб Қирғиз Республикасига экспортни йўлга қўйишни режалаштирган. Бу эса унинг фаолияти янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.



Аслида ҳар қандай ютуқ изланиш, тажриба ва узлуксиз ҳаракат самарасидир. Бир қарашда оддий туюлган плёнка остида узум етиштириш тажрибаси ҳам шу интилишларнинг амалий ифодасидир.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**ЯНГИЛИКЛАР** *хабарлар*
**ТАФСИЛОТЛАР**

## Ҳосил баҳоргача қайта ишланмоқда

*Бир пайтлар Миришкор тумани ҳақида гап кетса, фақат пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашиб қолган, иқтисодий имкониятлари чекланган бир ҳудуд гавдаланарди. Бугун эса туман янги қиёфа касб этди, бу ерда ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари қад ростлади.*



Ана шундай қувватлардан бири "Temur hamkor plast" масъулияти чекланган жамиятига қарашли бўлиб, корхонада йилига 1,5 минг тонна помидорни қайта ишлаб, томат пастаси, помидор шарбати ва кетчуп маҳсулотлари тайёрлаш имкони мавжуд.

— Корхонамиз 2024 йилда ишга туширилган, — дейди МЧЖ раҳбари Ўткир Умаров. — Ўтган йилги мавсумдан етарли хомашё захира қилиб, тўлиқ қувват билан ишга киришдик.

Эътиборли томони шундаки, корхона томонидан ёз ва кузги мавсумда маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида қабул қилиниб, дастлабки қайта ишланган хомашё махсус идишларга жойлаб қўйилади. Бу узоқ вақт сифатли ҳамда қулай сақлаш имконини бермоқда.

Қиш ва баҳор ойларида эса захираланган хомашё кейинги босқичда қайта ишланиб, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Натижада корхонанинг барқарор ишлаши билан бир қаторда, маҳсулот таннархининг ошиб кетмаслигини таъминлашга ҳам эришиляпти.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Мураккаб жарроҳлик амалиёти

*Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгани аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Эътиборли жиҳати, бугунги кунда бундай мураккаб жарроҳлик амалиётларини тўлалигича маҳаллий мутахассислар бажаряпти.*

Яқинда марказнинг абдоминал хирургия бўлимида яна бир беморга буйрак кўчириб ўтказилди. Ушбу мураккаб жараён нафақат бир инсон тақдирини ижобий томонга ўзгартирди, балки ҳудуд тиббиётида трансплантология йўналишида эришилаётган ютуқларнинг яна бир ёрқин намунаси сифатида эътироф этилди.

Шовот туманида яшовчи, узоқ вақтдан буён режали гемодиализ муолажасига муҳтож бўлган бемор М. Ботировга унинг синглиси донорлик қилди. Амалиёт малакали мутахассислар жамоаси томонидан амалга оширилди. Бундай жамоавий ёндашув юқори самара ва муваффақият гарови эканини яна бир бор ўз тасдиғини топди. Энг муҳими, бу каби операциялар инсонларга янги ҳаёт бахш этиб, умид ҳамда ишончини қайта тикламоқда.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Бинолар хавфсизлигини баҳоловчи технология

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи олимлари томонидан янги илмий лойиҳа ишлаб чиқилди.*

Мазкур лойиҳа доирасида икки компонентли сейсмодатчик яратилиб, у бино-иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолашда қўлланилади. Ушбу сейсмодатчик зилзилалар вақтида бинолар ва иншоотларда юзага келадиган тебранишларни аниқлаш ҳамда қайд этиш, шунингдек, сейсморазведка ишларида, муҳандислик станциялари таркибидаги сейсмологик тадқиқотларда кенг қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, у саноат портлашлари натижасида юзага келадиган сейсмик тўлқинлар интенсивлигини баҳолашда ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида машина ва механизмлар тебранишларининг объектларга таъсирини аниқлашда самарали восита ҳисобланади.

Фанлар академиясидан маълум қилишларича, ушбу ишланма бўйича ихтиро патенти олинган.

**«Халқ сўзи».**

**2027 йилдан шоли етиштиришда анъанавий (сепма) усулдан тўлиқ воз кечилиб, шолини фақат лазерли текисланган майдонларга кўчат усулида ҳамда замонавий дон экиш сеялкалари орқали экиш тартиби жорий этилади.**



# ТАФАККУР РЕНЕССАНСИ



*Юртдошимиз Жавоҳир Синдоровнинг Кипрда бўлиб ўтган FIDE Даъвогарлар турнирида эришган ғалабаси миллий шахматимиз тарихида, том маънода, катта натижа бўлди. Мусобақа давомида у жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерларига қарши муносиб кураш олиб борди ва очколар ҳамда ғалабалар сони бўйича янги рекордларни қайд этди. Бу зафар юксак ирода, мустаҳкам ишонч ва интеллектуал салоҳиятнинг ёркин ифодаси сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.*

*Мазкур воқелик мисолида спортнинг халқни жипслаштириш, уни ягона мақсад атрофида бирлаштиришдек беқиёс қудрати яна бир бор яққол намоён бўлди. Икки ҳафтадан зиёд давом этган турнир мобайнида Жавоҳирнинг ҳар бир партияси юртдошларимиз томонидан катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борилди.*

*Шахмат олами вакиллари, мутахассисларгина эмас, балки турли соҳаларда меҳнат қилаётган инсонлар — зиёлидан тортиб оддий ишчигача, ҳатто олис ҳудудларда дала ташвиши билан банд бободеҳқонларгача — барча ўзини бу жараённинг бир бўлаги сифатида ҳис этди.*

## Мушоҳада

Турнир давомида юртимизнинг турли бурчакларида бир хил руҳ ҳукм сурди: одамлар ўйинларни ижтимоий тармоқлар орқали муҳокама қилди, ҳатто таҳририятимизга ҳам бир неча қўнғироқлар бўлди. Сирасини айтганда, бу кунлар бутун халқимиз гўё бир улкан шахмат тахтаси атрофида жипслашди. Ҳар бир ғалаба — умумий қувончга, ҳар бир мураккаб вазият — умумий изтиробга айланди. Шу маънода, мазкур мусобақа нафақат спорт беллашуви, балки халқнинг ички бирлиги, маънавий уйғунлиги ва ватанпарварлик туйғусининг ўзига хос синови бўлди.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғолиб гроссмейстеримизни шарафлашга бағишланган тантанали маросимда Жавоҳир Синдоровни мазкур тарихий зафар билан яна бир бор самимий қутларкан, бу бутун халқимизнинг, Янги Ўзбекистоннинг ғалабаси эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, спортчимиз "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирлангани эса мамлакатимизда ёшларимизнинг ҳар бир ютуғи юксак қадрланишининг яна бир ёркин ифодаси бўлди. Бу каби эътироф ва эътибор, шубҳасиз, навқирон авлод қалбида янги орзуларни уйғотиб, уларни янада юксак марралар сари руҳлантиради.

### Тараққиёт замини

Албатта, ҳеч бир натижа ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бу зафар замирида Жавоҳир Синдоровнинг йиллар давомидаги тинимсиз меҳнати, болаликдан шаклланган тажрибаси, мустаҳкам иродаси ва юксак иқтидори мужассам. Шу билан бирга, унинг камолотига замин бўлган оила муҳити, маънавий қўллаб-қувватлаш ва ишонч ҳам ушбу муваффақиятнинг муҳим омилларидир.

Айни пайтда юртимиздан порлаб чиқаётган иқтидорлар тасодиф эмаслигини англаш қийин эмас. Гўё миллатимиз ДНКсида мужассам бўлган даҳолик генлари асрлар оша қондан-қонга, жондан-жонга кўчиб, бугунги авлодда қайта уйғонаётгандек. Аниқки, бу — масаланинг биргина жиҳати.

Айрим илмий қарашларга кўра, Ер юзининг маълум "энергия нуқталари" мавжуд бўлиб, Ўзбекистон ана шундай куч-қудрат, маънавий ва интеллектуал салоҳият юксак даражада намоён бўладиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу гўё заминнинг ички қудрати инсон тафаккури билан уйғунлашиб, янги кашфиётлар ва ютуқларга йўл очаётгандек таассурот уйғотади. Шу маънода, юртимизнинг қадимдан жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида шаклланганни бежиз эмас. Бу замин азалдан маърифат ўчоғи, илм ва маданият бешиги бўлиб келган. Унда камол топган улуғ алломалар ўзларининг бебаҳо мероси, юксак илмий ва маънавий фаолияти билан инсоният тараққиётига беқиёс ҳисса қўшиб, Шарқ ва Ғарб тамаддунлари ўртасида мустаҳкам кўприк яратган.

Эътиборлиси, буюк ўзгаришларга неча бор гувоҳ бўлган муқаддас заминимизда бугун ҳам навбатдаги улкан эврилишлар учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Инсон қадри улуғланиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Айниқса, ёш авлод учун кенг имкониятлар эшигининг очилиши бугунги ислоҳотларнинг энг муҳим ва истиқболли жиҳатидир.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда эркин жамият шаклланмоқда, адолат тамойиллари мустаҳкамланмоқда, илм-фан ва инновациялар ривожи учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу жараёнлар аслида келажакни барпо этадиган интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга қаратилган узоқни кўзлаган стратегик йўлдир. Зеро, Президентимизнинг "*Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак*", деган фикрлари бугунги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифода этади. Амалга оширилаётган барча ишлар тарихий тажриба, маънавий мерос ва замонавий тараққиёт уйғунлигига таянган буюк мақсаддан куч олади.

### Соғлом муҳит ва қулай шароит самараси

Шубҳасиз, ҳар қандай тараққиёт, аввало, инсон тафаккуридаги юксалишдан бошланади. Зеро, фикри озод, дунёқараши кенг, билими мустаҳкам инсонларгина жамиятни олға етаклай олади. Шу боис давлатимиз раҳбари янги тамаддун пойдеворини барпо этишда инсон капитали, айниқса, ёш авлоднинг онгу тафаккури, билим ва салоҳиятини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилаб берди.

Шу билан бирга, жамиятда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга ҳам давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат ва нодавлат ташкилотларида, умуман, жамият ҳаётининг барча соҳасида таниш-билишчилик, коррупция, маҳаллийчилик каби иллатларга қарши қатъий ва тизимли кураш олиб борилаётир. Чунки қонун устуворлиги таъминланмаган, адолат ва ҳақиқат тамойиллари қарор топмаган жойда тараққиёт ҳақида сўз юритишнинг ўзи маъносиздир.

Тан олиш керак: бир вақтлар таниш-билишчилик, ўзаро манфаатдорликка асосланган "олди-берди" муносабатлари каби иллатлар спортимизга ҳам бегона эмас эди. Бундай носоғлом муҳит эса кўпинча ҳақиқий истеъдодлар йўлини тўсиб, уларнинг ўз салоҳиятини тўла намоён этишига монелик қиларди. Шу боис давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ барча соҳаларда, жумладан, спорт тизимида ҳам ана шундай иллатларга қарши муросасиз курашни устувор вазифа сифатида белгилади.

Бир вақтлар Жавоҳир Синдоров ҳам "Дарё" нашрига берган интервьюсида Ўзбекистон шахмат федерациясидаги айрим камчиликлар, ҳақиқий истеъдодларга эътиборсизлик ва тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳақида очиқ гапиргани бежиз эмас эди. У ҳатто бошқа давлатлар шахмат федерацияларидан таклифлар олаётганини таъкидларкан, "Бироқ мен Ўзбекистон ўғлони сифатида ўз юртимни ҳимоя қилгим келади", деганди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар спорт соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон шахмат федерацияси фаолиятида ҳам ўз аксини топди: тизимдаги муҳит тубдан янгиланди, адолат ва шаффофлик тамойиллари қарор топа бошлади. Энг муҳими, ҳақиқий истеъдод соҳиблари учун кенг йўл очилди, уларнинг халқаро майдонларда муносиб қатнашиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

> ***Жавоҳир Синдоров — Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий жавоҳир ўғлони. У ўзининг оламшумул ютуқлари билан халқимизнинг нафақат кўнглини, балки миллий ғурурини ҳам осмон қадар юксалтирди, юртдошларимиз қалбида ифтихор ва ишонч туйғуларини мустаҳкамлади.***

Натижада юқори рейтингга эга, рақобатбардош шахматчиларни тайёрлашнинг яхлит ва самарали тизими шаклланди. Бу эса ёш иқтидорларнинг жаҳон ареналаридаги муваффақиятларида яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, 2022 ва 2024 йиллардаги Бутунжаҳон шахмат олимпиадалари, 2025 йилги жаҳон кубоги, шунингдек, турли ёш тоифаларида ўтказилган жаҳон чемпионатлари ва халқаро турнирларда қўлга киритилган салмоқли натижалар бу тизимнинг амалий самарасини тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун FIDE рейтингида энг кучли беш нафар шахматчидан икки нафари ўзбек ўғлони экани миллий шахмат мактабимиз салоҳияти ва нуфузи тобора юксалаётганининг ёркин далилидир. Бу эса нафақат бугунги ютуқлар, балки келажакдаги улкан ғалабалар учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратилаётганидан дарак беради.

### Тарихий адолат нишонаси

Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси ўринбосари Комил Синдоровнинг фикрига кўра, ўзбек шахмати шуҳратининг ортиб бораётгани тасодиф эмас. Бу тарихий адолат қарор топаётганидан нишона.

Гарчи шахмат тарихида бу ўйин Ҳиндистонда бундан бир ярим минг йил аввал пайдо бўлган ва инсоният тамаддунининг ажралмас қисми сифатида дунё бўйлаб кенг тарқалгани айтилсада, "ақл гимнастикаси"нинг шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистон замини муҳим роль ўйнагани айни ҳақиқат. Бундай дейиш учун илмий асослар ҳам етарли.

Гап шундаки, Ўзбекистон Миллий университети профессори, археолог Юрий Буряков 1990 йил Самарқанд яқинидаги шаҳарнинг қадимий қисми — Афросиёбда олиб борган қазишма давомида фил суягидан ясалган 7 дона шахмат ҳайкалини топган. Бу шу давргача дунё миқёсида энг тўлиқ тўпламдаги топилма ҳисобланади.

1996 йилда япониялик археологлар мамлакатимиз жанубидаги қадимий Далварзинтепа ҳудудида Кушон империяси даврига оид иккита ноёб шахмат ҳайкалчасини топишга муваффақ бўлган. Бу Милоддан аввалги II асрда юртимизда шахмат ўйини бўлганини англатади!

Шахматнинг Ўзбекистонга бегона эмаслигини исботловчи мисоллардан яна бири — унинг номланиши. Ҳиндистонда II асрдан XVI асргача шоҳ ва подшоҳлар бўлмаган. Буюк бобурийлар сулоласига қадар Ҳиндистонда рожалар ҳукмдор саналган. Шу боис шахмат номининг келиб чиқиши ҳинд тилига тааллуқли бўлиши бироз шубҳали. Сўзнинг иккинчи бўғини бўлмиш "мот" сўзи ҳам ўзбек тилида "чорасиз ҳолат" деган маънони англатади.

Археолог Юрий Буряков Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкентда шахмат ўйини кенг тарқалганини, бу Буюк Ипак йўли бўйлаб туялар карвони юрган йўналишларга тўғри келишини қайд этган. У шахмат ўйинининг мумтоз тарихини ўрганар экан, ушбу спорт турини буддизм роҳиблари эмас, қадимги Самарқанд савдогарлари ёйган деб ҳисоблайди.

Ўзбек халқининг қадимий шахмат анъаналарига кўра, ҳозирги кунда мактабгача ёшдаги ва бошланғич синф ўқувчилари ушбу спорт турига тобора кенг жалб этилмоқда. Бу Янги Ўзбекистонда янги шахмат юлдузларини кашф этишнинг энг тўғри йўлидир. Бинобарин, навқирон авлод орасидан истиқболли спортчилар тезда сараланиб, улар ўз ёш тоифаси бўйича жаҳон чемпионларига айланишмоқда.

### Ноёб қобилият соҳиби

Жавоҳир Синдоровнинг FIDE Даъвогарлар турниридаги иштироки ва тарихий ғалабаси дунё шахмат оламида катта акс садо берди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари, турли спорт сайтлари ва ижтимоий тармоқлар ўзбекистонлик ёш гроссмейстернинг ўзига ишончи юқорилиги, ўзига хос ўйин услуби, иродаси мустаҳкамлиги, руҳи баландлиги ҳақида бонг урмоқда. Хусусан, FIDE ўз саҳифасида Жавоҳирнинг шу йил охирида жаҳон шахмат тожи учун бўладиган мусобақа олдидан "жуда яхши позиция"да турганини ёзди.

"Sputnik" нашри маълумотига кўра, АҚШ вакили бўлган таниқли гроссмейстер Левон Аронян Жавоҳир Синдоров ҳақида гапириб, рақиблар гўё унга "ўзи хоҳлаганини қилишга" имкон бериб қўяётгандек туюлишини айтган, унинг тактик ва психологик босимдан деярли таъсирланмайдиган ўйинчи эканини таъкидлаган.

Замонавий шахматнинг тирик афсонаси Магнус Карлсеннинг баҳоси, айниқса, эътиборли. У Синдоровни "фундаментал жиҳатдан мустаҳкам", "ҳар қандай позицияни ўйнай олади" ва "жуда, жуда иқтидорли" деб таърифлади.

Россия шахмат федерацияси вице-президенти Сергей Смагин "РИА Новости"га берган изоҳида Синдоровнинг ушбу турнирдаги муваффақиятли иштирокини Фишер давридан бери энг шов-шувли ютуқ сифатида баҳолади. Шунингдек, собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг айтишича, сўнгги йилларда Ҳиндистон ва Ўзбекистонда "кутилмаган истеъдодлар куртаклари" пайдо бўлган ва улар жуда кўп.

Йирик нашрларда ҳам у ҳақда алоҳида ёзилмоқда. "Reuters" вакиллари Жавоҳир Синдоровнинг турнирдаги стартларини "ҳайратланарли" деб атади. "The Wall Street Journal"да эса спортчимиз дунёнинг энг кучли гроссмейстерларини бирин-кетин мағлуб этаётган 20 ёшли ноёб қобилият соҳиби сифатида тасвирланган.

Дарҳақиқат, Жавоҳир Синдоров — Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий жавоҳир ўғлони. У ўзининг оламшумул ютуқлари билан халқимизнинг нафақат кўнглини, балки миллий ғурурини ҳам осмон қадар юксалтирди, юртдошларимиз қалбида ифтихор ва ишонч туйғуларини мустаҳкамлади.

Шубҳасиз, спортчимизнинг FIDE Даъвогарлар турниридаги ғалабаси миллий шахматимиз тарихида мутлақо янги босқич бошланганининг амалий тасдиғидир. Бу — оддий спорт ютуғи эмас, балки Янги Ўзбекистондаги тарихий илдизлардан куч олаётган кенг кўламли маънавий ва интеллектуал юксалишнинг, тафаккур Ренессанси илк самараларининг ёркин ифодасидир.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Ҳаж — 2026»

# Зиёратчиларнинг илк гуруҳлари муборак сафарга кузатилди

*Пойтахтимиздаги "Новза" масжидида "Ҳаж — 2026" мавсумининг илк зиёратчиларини кузатиш маросими бўлиб ўтди.*

Юзида қувонч, тилида шукрона билан муқаддас заминга ошиқаётган ҳамюртларимиз зиёратларини эсон-омон адо этиб, юртимизга қайтишини сўраб, дуолар қилинди.

Яқинларини муборак сафарга кузатаётган юртдошларимизнинг ҳам нигоҳида ҳавас ҳамда соғинч туйғулари балқийди: улар мана шундай саодатли кунлар ва Каъбатуллоҳ зиёрати ўзларига ҳам насиб этишини чин дилдан ният қилган бўлса, ажабмас.

Айтиш жоизки, Ўзбекистондаги 2026 йилги ҳаж мавсуми 2 майдан бошланди. 18 майга қадар ҳар куни мамлакатимизнинг 9 та ҳудуди — Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз ва Урганч шаҳарларидаги аэропортлардан Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилади.

— Юртимизда диний-маърифий соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли сўнгги йилларда мўмин-мусулмонлар исломнинг барча рукнлари, хусусан, ҳаж амалларини тўла-тўкис адо этиш бахтига ноил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов. — Хусусан, бу йил ҳам ҳаж тадбирларини ташкил қилиш бўйича кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Зиёратчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб, менингит касаллигига қарши эмланди. Уларга расмий ҳаж визалари ва бошқа зарур ҳужжатлар расмийлаштириб берилди.



Муборак сафар қатнашчиларига гуруҳ раҳбарлари масъул қилиниб, сафар олди машғулотлари ўтказиляпти. Аёл зиёратчилар учун ҳам алоҳида аёл мутахассис ва шифокорлар ажратилган. Шунингдек, ҳар бир зиёратчига "Ҳаж — буюк ибодатдир" қўлланмаси, сумка, нимча, термос, соябон, сим-карта, қувватлагич тақдим этилмоқда.

— Қувонч ва ҳаяжонимизнинг чеки йўқ, — дейди зиёратчилардан бири Наби Ваҳобов. — Яратганга беҳисоб шукрки, орзу-армонларимиз ушалмоқда. Ҳаж зиёратига йўлга чиқяпмиз. Биз учун яратилган қулайликлардан беҳад хурсандмиз. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан юртимизда татбиқ этилган "Инсон қадри учун, инсон бахти учун!" деган эзгу тамойилнинг амалий ифодаси. Насиб қилса, зиёратимиз давомида Аллоҳдан юртимиздаги тинчлик-омонлик, тараққиёт ва фаровонликни бардавом этишини сўраб, дуолар қиламиз.

Макка шаҳрида зиёратчиларнинг асосий қисми бир ҳудуддаги меҳмонхоналарга жойлаштирилади. Шуни ҳам эслатиш зарурки, юртдошларимиз бугунги мураккаб замонда Саудия Арабистони томонидан белгиланган янги қонун-қоидаларга қатъий амал қилиши, огоҳликни ошириши шарт.

Айни пайтда Саудия Арабистонида бўлиб турган "Ҳаж — 2026" мавсуми ишчи гуруҳлари ҳамкор ташкилотлар билан бирга меҳмонхоналар, Мино ва Арофат водийларида зиёратчилар ибодатларини бекаму кўст адо этиши учун муносиб шароитлар тайёрлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида ҳаж амаллари ҳақидаги суҳбатлар, тавсиялар ҳамда мақолалар тақдим этилаётир.

**«Халқ сўзи».**

# «ЮРТИМНИНГ ТОЖИДА ЯНГИ ЖАВОҲИР»

*Жавоҳир Синдоровнинг Кипрда ўтган FIDE Даъвогарлар турнирида ғолиб бўлгани миллий шахматимиз тарихидан ёркин саҳифа ўлароқ жой олди. Бу зафар нафақат спорт муваффақияти, балки юртимиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва келажакка бўлган ишончининг амалий тасдиғи сифатида алоҳида аҳамият касб этди.*

## Таҳририят почтасидан

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ғолиб ҳамюртимизни самимий табриклар экан, унинг ютуғини юксак баҳолаб, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирлади. Бу эътироф мамлакатимизда ёш авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёркин ифодаси бўлиб, улар қалбида янги орзу-интилишлар, эртанги кунга ишонч уйғотмоқда.

— *Жавоҳир Синдоровнинг оламшумул ғалабаси биз каби ёш шахматчилар учун чинакам ўрнак,* — дейди шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпиони Афрўза Ҳамдамова. — *Унга халқимиз, Президентимиз томонидан кўрсатилган эҳтиромдан ғурурланиб кетдик. Бу бизни ҳам янги ғалабаларга руҳлантиради. Яқинда Сербияда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлганим сўзларим исботи.*

Тарихий ғалаба юртимиз ва жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг акс садо берди. Турли чиқиш ва муносабатларда Янги Ўзбекистонда "олтин авлод" камол топаётгани алоҳида таъкидланмоқда. Бу эса изчил ва оқилона юритилаётган ёшлар сиёсатининг амалий самараси эканига яққол далилдир.

— *Ғалаба муборак бўлсин!* — дея табрик йўллади Ёшлар ишлари агентлиги директори, Ўзбекистон шахмат федерацияси раисининг биринчи ўринбосари, сенатор Алишер Саъдуллаев. — *Жавоҳирнинг ғалабасини Нью-Йоркдаги БМТнинг Бош қароргоҳи олдида нишонлаяпмиз. Албатта, бунда рамзий маъно бор. Орқамизда мустақил Ўзбекистонимизнинг муаззам байроғи мағрур ҳилпираб турибди. Жавоҳир ҳам Ватанимизнинг миллий туғини мана шундай жаҳон аренасида баланд ҳилпиратиб, кўнглимизни ифтихорга тўлдирди.*

Шубҳасиз, бу ғалаба спортчимизнинг оила аъзоларини чексиз қувонтирди.

— *Набирамнинг ҳар бир ўйинини оила аъзоларимиз билан биргаликда диққат билан кузатиб бордик,* — дейди Жавоҳирнинг бувиси Жамила Синдорова. — *Унинг турнир ғолиби бўлгани аёнлашган ўша куни уйимизда байрам бўлиб кетди. Дарҳол набирам билан телефон орқали гаплашдик, уни табрикларканман, бизга берган ваъдасининг устидан чиққанини эътироф этдим. Чунки йигит кишининг сўзи битта бўлади. Жавоҳирга халқимиз, Президентимиз томонидан берилган эътибордан бошимиз осмонга етди. Бу биз учун катта фахр!*

Таҳририятимизга келаётган дил изҳорлари, самимий шеър ва табрикномаларда ҳам юртдошларимизнинг фахр ва ифтихори мужассам. Уларда спортчимиз томонидан Ватанимиз нуфузи халқаро майдонда янада юксалтирилгани, халқ қалбида ғурур туйғуси янада мустаҳкамлангани самимият билан ифода этилмоқда. Жумладан, қашқадарёлик ижодкор Нуриддин Эгамов шундай ёзади:

***Қиролича тожин безаган олмос —***
***Кўҳинурга кимлар қилмишлар даъво.***
***Буюк боболарим кечмиши ўлмас,***
***Унинг жилосида товланмасми ё?!***

***Юртимнинг тожида янги Жавоҳир***
***Порлади, ариди дилдан армоним.***
***Дунё зўрларига оқибат-охир,***
***«Кишт!», — деди,***
***«Мот!», — деди***
***Ўзбекистоним!***

Шоир ва журналист Нуруллоҳ Остоннинг мисраларида ҳам соф, самимий қувонч туйғулари балқийди:

***Ҳақ йўлинда олам кезган даҳодир,***
***От ўйнатиб ўтди қанча баҳодир,***
***Шоҳ тахтида сипоҳсолор, от суриб,***
***Эллар аро достон бўлди Жавоҳир.***

***Яхши фарзанд дилдан ғамни аритгай,***
***Доно фарзанд зулматларни ёритгай,***
***Закий фарзанд юртига бахт доритгай,***
***Ватан шаъни осмон бўлди Жавоҳир.***

***Алп йигитлар майдонларда синалган,***
***Номдор бўлиб, овозаси таралган,***
***Шоҳлар жанги — шатранж шундан яралган,***
***Баҳсда бошчи карвон бўлди Жавоҳир.***

Шубҳасиз, спортчимизнинг "ақл гимнастикаси" ҳисобланган шахматдаги тарихий ғалабаси мамлакатимизда юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг ёркин меваси, айни пайтда Янги Ўзбекистонни бунёд қилиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғвор мақсадларни рўёбга чиқаришда катта куч ва салоҳиятга эга навқирон авлод камол топаётганининг ифодасидир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз ёшлар сиймосида умримиз мазмунини, ҳаётимизнинг асосий самарасини кўрамиз. Янги Ўзбекистонни азму шижоатли ёшлар билан бирга бунёд этамиз!

**«Халқ сўзи».**

**Юртимизда туризм соҳасини барқарор ва комплекс ривожлантириш мақсадида лойиҳаларни амалга оширишда «давлат — бизнес — жамоатчилик — таълим» (Quattro) тизими татбиқ қилинади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6